БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 22 (17.900). • 27 январь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1981 йилда кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети 1981 йилда кўкламги дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Енгил саноат министрлиги, Центросоюз, ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига 1981 йилда колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида кўкламги дала ишларини юксак агротехника даражасида ўтказиш мажбуриятини юкладилар, бунинг учун:

— уруғликни тайёрлашни тезроқ тугаллаш, уруғликни юксак экиш кондицияларига етказиш, колхозларни, совхозларни ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини юқори сифатли уруғлик билан таъминлаш учун қўшимча чораларни кўрсинлар, хўжаликларни дуккакли дон ва ембоп дон экинлари, узун толали зигир уруғлари билан таъминлашга, шунингдек: мавжуд қишлоқ хўжалик экинларининг янги районлаштирилган ва истиқболли навлари ҳамда дурагайларни уруғларининг ҳаммасидан фойдаланишга алоҳида эътибор берсинлар. Аҳолидан уруғлик учун ўз вақтида картошка харид қилишни ташкил этиб, ҳар бир хўжаликда шу экинни экиш планлари бажарилишини таъминласинлар;

— колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида органик ва минерал ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан, ҳамма суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиб самарадорлигини оширсинлар;

— машина-трактор паркини кўкламги дала ишларига тайёрлашни тугаллаш чоралари кўрилиб, кўкламги экиш бошланишидан кечи билан икки ҳафта илгари тракторлар, тупроқ ишлаш ва экиш машиналарини тўла шай ҳолатга келтириб қўйсинлар. Ем-хашак тайёрлайдиган машиналарни, дон комбайнларини ва бошқа ўрим-йиғим механизмларини ремонт қилишни тезлаштирсинлар, машиналарни ремонт қилиш сифатига алоҳида эътибор берсинлар. Шу мақсадда колхозлар, совхозлар ва «Сельхозтехника» корхоналари ремонт устахоналарининг мавжуд қувватларидан тўла-тўкис фойдалансинлар, шу корхоналарнинг икки сменада ишлашини ташкил этсинлар;

машина-трактор агрегатларини икки ҳафта илгари уларнинг ишлашини механизатор кадрлар билан мустаҳкамласинлар, колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида техникадан фойдаланишнинг илғор усуллари жорий этилишини, қишлоқ хўжалик механизаторларининг энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва ишларнинг сифати юқори бўлиши учун социалистик мусобақасини кенг авж олдиришни таъминласинлар;

— колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишни таъминлаш мақсадида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитети, СССР Тайёрлаш министрлиги, СССР Озиқ-овқат саноати министрлиги, СССР Енгил саноат министрлиги, Центросоюз, ўлка, область ва район партия комитетлари, автоном республикаларнинг Министрлар Советлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, маҳаллий қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига 1981 йилда колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида дала ишларини юксак агротехника даражасида ўтказиш мажбуриятини юкладилар, бунинг учун:

— уруғликни тайёрлашни тезроқ тугаллаш, уруғликни юксак экиш кондицияларига етказиш, колхозларни, совхозларни ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини юқори сифатли уруғлик билан таъминлаш учун қўшимча чораларни кўрсинлар, хўжаликларни дуккакли дон ва ембоп дон экинлари, узун толали зигир уруғлари билан таъминлашга, шунингдек: мавжуд қишлоқ хўжалик экинларининг янги районлаштирилган ва истиқболли навлари ҳамда дурагайларни уруғларининг ҳаммасидан фойдаланишга алоҳида эътибор берсинлар. Аҳолидан уруғлик учун ўз вақтида картошка харид қилишни ташкил этиб, ҳар бир хўжаликда шу экинни экиш планлари бажарилишини таъминласинлар;

— колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида органик ва минерал ўғитлардан, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг химиявий воситаларидан, ҳамма суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланиб самарадорлигини оширсинлар;

— машина-трактор паркини кўкламги дала ишларига тайёрлашни тугаллаш чоралари кўрилиб, кўкламги экиш бошланишидан кечи билан икки ҳафта илгари тракторлар, тупроқ ишлаш ва экиш машиналарини тўла шай ҳолатга келтириб қўйсинлар. Ем-хашак тайёрлайдиган машиналарни, дон комбайнларини ва бошқа ўрим-йиғим механизмларини ремонт қилишни тезлаштирсинлар, машиналарни ремонт қилиш сифатига алоҳида эътибор берсинлар. Шу мақсадда колхозлар, совхозлар ва «Сельхозтехника» корхоналари ремонт устахоналарининг мавжуд қувватларидан тўла-тўкис фойдалансинлар, шу корхоналарнинг икки сменада ишлашини ташкил этсинлар;

машина-трактор агрегатларини икки ҳафта илгари уларнинг ишлашини механизатор кадрлар билан мустаҳкамласинлар, колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида техникадан фойдаланишнинг илғор усуллари жорий этилишини, қишлоқ хўжалик механизаторларининг энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва ишларнинг сифати юқори бўлиши учун социалистик мусобақасини кенг авж олдиришни таъминласинлар;

— колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида дала ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказишни таъминлаш даврида умумий овқатланишни, маданий-маиший ва медицина хизматини лозим даражада ташкил этишни таъминласинлар.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги фанлари академиясига:

— 1981 йилда қишлоқ хўжалик экинлари индустриал технология асосида етиштириладиган районлар ва хўжаликларни белгилаб бериш;

— шу районлар ва хўжаликларга зарур техника, юқори сифатли уруғлик, минерал ўғит, гербицид, заҳарли химикатлар ва бошқа моддий-техника воситаларини мазкур мақсад учун ажратиб беришни таъминлаш;

— дала ишлари бошлангунга қадар қишлоқ хўжалик экинларини индустриал технология асосида етиштириш усулларини ўрганишни кенг авж олдириш топширилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига ва уларнинг жойлардаги органларига:

— колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб беришни тезлаштириш учун зарур чораларни кўриш, бунда ҳар бир хўжаликда кўкламги дала ишлари бошлангунга қадар кўкламги дала ишлари даврида машина-трактор паркининг узлуксиз ишлашини таъминлайдиган миқдорда нефть маҳсулотлари гамлаб сақлашни назарда тутиш;

— ёнилғи-мойлаш материаллари сарфлашдаги мавжуд камчиликларни тугатиш, шу материаллардан самарали фойдаланишни таъминлаш, нефть маҳсулотларини нормалаш, ҳисобга олиш ва асраши яхшироқ ташкил этиш;

— колхозларда, совхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида ёнилғи-мойлаш материалларининг сақланишини таъминлаш ва ортиқча сарф бўлишига йўл қўймаслик тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга ошириш топширилди.

СССР Госснаби, СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш техника таъминоти давлат комитети ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги 1981 йил кўкламги дала ишларини ўтказиш учун зарур ёнилғи-мойлаш материалларини етказиб беришни графигини тасдиқлаб қўйсинлар.

СССР Госснабига, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига, Чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш машинасозлиги министрлигига, Автомобиль саноати министрлигига, Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлигига ҳамда бошқа министрликларга ва идораларга, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1981 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигига йиллик фондларнинг ярмисидан кам бўлмаган миқдорда номенклатурага мувофиқ тракторларнинг, автомобилларнинг, тупроқ ишлаш ва экиш машиналарининг, қотиб қоладиган юкларни тушириб оладиган машиналарнинг, экскаваторларнинг, ер кавлаш ва қурилиш техникасининг ҳамда насос-қуч асбоб-ускуналарининг эҳтиёт қисмларини, шунингдек автотрактор электр асбоб-ускуналари ва аккумуляторларни, втулка-роликли занжирларни, резина-техника буюмларини ва подшипникларни қаторда белгиланган миқдорда ва муддатларда етказиб беришни таъминлаш топширилди.

Республикалар, ўлкалар ва областларга эҳтиёт қисмларни бир маромда етказиб беришга алоҳида эътибор берилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига 1981 йил февраль-май ойларида Темир йўллар министрлиги билан ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан келишиб, айрим иттифоқдош республикаларнинг қишлоқ хўжалигига тракторлар, қишлоқ хўжалик машиналари ва минерал ўғитларни 1981 йил I—II кварталлар учун ажратилган фондларга мувофиқ етказиб бериш муддатларини вужудга келадиган шароитларга қараб ўзгартиришга ижозат берилди.

Колхоз ва совхозларнинг эҳтиёжлари учун қўшимча равишда асбоб-ускуналар, машиналар, аккумуляторлар ва баъзи материаллар ажратилади. Қишлоқ хўжалик машиналарини, шунингдек тракторларга, автомобилларга, қишлоқ хўжалик машиналарига, трактор прицепларига, экскаваторларга ва йўл қурилиш машиналарига керакли эҳтиёт қисмларни, шунингдек пестицидлар, гидротормоз суюқлиги ҳамда бошқа материаллар ва бутлаш буюмларини қўшимча равишда тайёрлаб, қишлоқ хўжалигига етказиб бериш юзасидан саноат министрликлари ва идораларининг топшириғи ҳам белгилаб қўйилди.

СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан келишиб мазкур қароргa мувофиқ ажратилган материаллар, асбоб-ускуналар ва машиналарни, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига эса пестицидларни истеъмолчиларга тақсимлаш топширилди.

СССР Госснабига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1981 йилнинг биринчи ярмида қишлоқ хўжалигига йиллик фондларнинг ярмисидан кам бўлмаган миқдорда иморатбоп ёғоч ва тахта етказиб беришни таъминлаш топширилди.

СССР Госснабига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1981 йилда, истисно тариқасида саноат, транспорт ва бошқа корхоналардан, муассасалар ҳамда ташкилотлардан тракторчи-машинистларни СССР Министрлар Советининг 1971 йил 21 апрель 231-сон қарорида кўзда тутилган шартлар асосида механизаторлар етишмаётган колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига кўкламги дала ишларига жалб этишларига ижозат берилди.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига кўкламги дала ишларида қатнашиш учун колхозларга, совхозларга ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига командировка қилинадиган тракторчи-машинистлар меҳнатига 1980 йилда амал қилган шартлар асосида ҳақ тўлаш тўғрисида изоҳ бериш топширилди.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка, область ижроия комитетларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига, «Сельхозхимия» ва «Сельхозтехника» бирлашмалари, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари номига келган ҳамма юкларни темир йўл станцияларидан ташиб олишни тезлаштириш учун зудлик билан чоралар кўриш таклиф этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига ҳамда СССР Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш-техника таъминоти давлат комитетига 1981 йилда қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги учун ажратилган моддий ресурсларнинг қатъий тежалишини таъминлаш топширилди.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, колхоз ва совхозлар, саноат ва транспорт корхоналари ҳамда ташкилотлари КПСС Марказий Комитети 1980 йил октябрь Пленуми қарорларига амал қилиб, КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш соҳасидаги социалистик мусобақага қўшилиб, 1981 йилда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун бутун кучни ишга соладилар ҳамда хўжаликларнинг моддий-техника базасини ўз вақтида тайёрлаб, кўкламги дала ишларини юксак агротехника даражасида ўтказишни таъминлаш чораларини кўрадилар, деб ишонч билдирдилар.

Танишинг: янги қаҳрамонлар

ОРЗУ ҚАНОТИДА

Ҳунар-техника билим юрти мажлислар залининг таровати бугун ўзгача. Зални тўлдириб ўтирганларнинг аксарияти қизлар. Бўлажак сувоқчилар, бўёқчилар, Уларнинг нигоҳи бир нуқтада — президиумда ийманиб, бошини сал эгганча хёл жилмайиб ўтирган қирқ ёшлар чамасидаги аёлда. Бу жувон шу кунги тантананинг «айбдори» — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 160-трест «Чирчиқхимстрой» бошқармасининг нардозловчилар бригадаси бошлиғи Н. И. Ермолаева. Куни кеча СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ унга «Электрохимпром» брилашмасида капролактам ва аммоний сульфати ишлаб чиқариш комплекси объектларини бунёд этишда жуда катта муваффақиятларга эришганлиги учун Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвон берилди. Бу хушхабарни биринчилар қаторида эшитган ҳунар-техника билим юртининг қизлари Надежда Ивановна билан учрашгани шошилдилар. Бўлажак бинокорлар учун тажрибали қурувчининг муваффақият сирларини, уни қаҳрамонлик пиллапоясига етаклаган камолат йўлини билиш ниҳоятда қизиқарли эмасми? Умуман унга коллектив ўртасида обрў-эътибор, иззат-ҳурмат, қолаверса шон-шуҳрат келтираётган куч-ғайрат манбаи нимада?

Н. И. Ермолаева асли олтойлик. У узоқ Ўзбекистонда химия саноати корхоналари қурилишининг янги босқичи бошланганлигини эшитиб оромини йўқотди. Ёш қиз мактабда ўқиб юрганидаёқ тиниб-тинчимаслиги, юксак орзулари билан дугоналарининг ҳавасини келтирарди. Қандайдир улуғвор, бунёдкорлик ишларида қатнашгиси келар, романтик ҳиссиётлар унга ором бермасди. Ҳулди шу топда бу хабар жуда қўл келди. Надя комсомол йўлланмасини қўлига интиқлик билан олди-да, Чирчиққа отланди. Мана, шунга ҳам ҳадемай 25 йил тўлади. Чорак асрдирки, унинг ҳаёти индустриал Чирчиқ тақдири билан узвий боғланган. 1971 йилда «Чирчиқхимстрой» қурилиш бошқармаси меҳнатсевар Надяга катта ишонч билдириб, уни сувоқчи-бўёқчи нардозловчилар бригадасига бошлиқ қилиб тайинлади. Надежда Ивановна аввалига, шундай катта коллективга раҳбарлик қила оларманми, деган ўйга ҳам борди. Унинг ҳаёлидан нималар кечаётганини пайқаган дугонаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган биноқор Нина Доки:

— Бошқарма бир нарсани биладики, сени шу лавозимга муносиб кўрган, — деб далда берди. — Биз ҳам қараб турмаймиз. Қўлимиздан келган ёрдамни берамиз.

1978 йили у бошлиқ бригадани зарбдор қурилишга — «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида бунёд этилаётган капролактам ва аммоний сульфати тайёрловчи комплекс қурилишига сафарбар қилдилар. Бу бежиз эмас эди. Чунки Надежда Ивановна Ермолаева етакчилигидаги 30 кишидан иборат бригада азаматлари бу пайтгача Чирчиқдаги химия иншоотлари реконструкциясида анча тажриба орттирган, ўзининг ташаббускорлиги, топширилган вазифага ижодий ёндашиши, энг муҳими, масъулиятни чуқур ҳис этиб, ҳар бир участкада мустаҳкам интизом ўрнатганлиги билан бошқармада донг чиқарганди. Ана шу хизматлари учун бригада аъзоларининг кўпи ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган, коллектив етакчисининг кўкисини эса Ленин ва «Хурмат Белгиси» орденлари безаган эди.

— Капролактам ва аммоний сульфати ишлаб чиқарувчи бундай комплекс қурилишини мамлакатимиздаги биронта ҳам шаҳар шу пайтгача кўрмаган, бунёд этмаган, —дея учрашувда ҳикоя қилди Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. И. Ермолаева. — Чунки на фақат Ватакиматидаги, балки Европадаги энг йирик иншоот бўлиб, ҳар йили 80 минг тонна капролактам ва 336 минг тонна аммоний сульфати ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Капролактам — енгил газламалар, ўраш материаллари, автомобилларга шиналар, ўта мустаҳкам пластмассалар, санитария техникаси ишлаб чиқарувчи юзлаб заводлар учун бебаҳо «нон» ҳисобланади. Уни мутахассислар олтинга тенг ҳом ашё деб аташади. Биз, қурувчилар капролактамнинг мамлакатимизга жуда кўп миқдорда кераклигини ва уни мумкин қадар тезроқ ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини яхши англардик. Шунинг учун ҳар биримиз тез суръатлар билан ишлашни, ишлаганда ҳам уни аъло сифат билан бажаришни шарафли бурчимиз деб ҳисобладик. Натижада комплекс бор-йўғи 42 ойда ёки белгиланган муддатдан бир ярим йил олдин қуриб битказилди.

Биз Надежда Ивановнадан, бу қурилишда сиз учун ўчмас из қолдирган воқеа нима, деб сўраганимизда у, шундай жавоб берди:

— Мен ва касбдошларим комплекс қурилиши тугалланишини муносабати билан Москвадан олинган қутлов — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев табриги келган кунни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ватанимизнинг юксак мукофоти ҳозир 1982 йил ҳисобига ишлаётган, Надежда Ивановнани янада руҳлантириб юборди. У бу олий унвонга зарбдор меҳнат билан жавоб бериш иштиёқида янги резервларни қидирмоқда. Бундай имкониятлар қидирган одамга, албатта, топилади. Надежда Ивановна Ермолаеванинг бутун меҳнат фаолияти фикримизга далилдир.

Э. ХЎЖАЕВ,
Н. САЪДУЛЛАЕВ.

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР КОМПАРТИЯЛАРИНИНГ СЪЕЗДЛАРИДА

ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ

ТБИЛИСИ. (ТАСС). Грузия Компартиясининг XXVI съезди 24 январда ўз ишини тамомлади. Делегатлар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқуллаб, коммунистик қурилиш вазифаларини бажариш учун куч ва ғайратни аямай сарф қиламиз, деб ишонтирдилар.

Делегатлар КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб қабул қилдилар.

Республика партия ташкилотининг раҳбар органлари, КПСС XXVI съездига делегатлар сайланди.

* * *

ЕРЕВАН. (ТАСС). Арманистон Компартияси XXVII съезднинг делегатлари республика коммунистларини, барча меҳнаткашларини янги беш йилликда юксак натижаларга эришмоқ учун шу ҳақда қатъий ишонтирдилар. Съезд 24 январь куни ўз ишини тамомлади.

Делегатлар партиянинг ички ва ташқи сиёсатини, КПСС Марказий Комитетининг, унинг ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий бюросининг кўп қиррали самарали фаолиятини астойдил маъқулладилар.

Республика партия ташкилотининг раҳбар органлари, КПСС XXVI съездига делегатлар сайланди.

* * *

КИШИНЕВ. (ТАСС). Республика меҳнаткашлари КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш, план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, янгидан-янги зафарларни қўлга киритадилар. Молдавия Компартияси XV съезднинг делегатлари ана тўпланган тажрибадан ижодий фойдаланишга даъват этдилар. Съезд 24 январда ўз ишини тамомлади.

Съезд қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома қабул қилдилар.

Арманистон Компартиясининг раҳбар органлари, КПСС XXVI съездига делегатлар сайланди.

* * *

Бўлиб ўтган ташкилий пленумларда Грузияда — Э. А. Шеварднадзе, Молдавияда — С. К. Гроссу, Арманистонда — К. С. Демирчян компартиялар Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари қилиб сайландилар.

(ТАСС).

«ПРОГРЕСС-12» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

«Салют-6» орбитал илмий станциясининг бундан буён ҳам ишлашини таъминлаш программасига мувофиқ 1981 йил 24 январь Москва вақти билан соат 17 дан 18 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс-12» автомат юк транспорт кемаси учирилди.

Транспорт кемаси чиқарилган орбита параметрлари қуйидагича:

— Ер юзидан максимал олислиги — 299 километр;

— Ер юзидан минимал олислиги — 188 километр;

— айланиш даври — 89,1 минут;

— оғиши — 51,6 градус.

Телеметрик ўлчаш маълумотларига кўра, «Прогресс-12» кемаси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди.

ТАСС МУХБИРИ МОСКВАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ:

ЭСТАФЕТАНИ ЎЗБЕКИСТОН ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Бутуниттифоқ «Кўп миллатли совет...» кинофестивали эстафетасини Ўзбекистон кинематографиячилари қабул қилдилар. Республика киностудиясининг ижодий ҳисоботи 26 январь куни пойтахтда «Ватанга ҳизмат қилиб» номли янги бадиий фильм кўриги билан бошланди.

Тақдим этилган кинолента лар орасида ўзбек экран усталарининг аввалги йилларда чиқарилган ҳужжатли ва бадиий фильмлари, янги асарлари бор. Ҳозирги ўзбек қишлоғининг меҳнат кунлари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Ота васияти» лентаси, цирк артистлари ҳақида, уларнинг мардлики, севимли санъатга содиқлиги талаб қилувчи ишлари тўғрисида мароқли ҳикоя қилувчи «Ҳаво пиёдалари» фильми шулар жумласидандир.

Ўзбек киноси кунлари давомида республика кинематографиячилари делегацияси пойтахт меҳнаткашлари ҳузурида ижодий ҳисобот беради, Москва корхоналари ва муассасаларида бўлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети таниқли давлат арбоби — КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Бош прокурори Р. А. Руденко оғир касалликдан сўнг 1981 йил 23 январь куни 74 ёшида вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ДЎСТЛИГИМИЗ МУСТАҲКАМ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ҳиндистон Республикаси эълон қилинган куннинг 31 йиллигини кенг нишонладилар. 26 январь куни Тошкентда ана шу шонли кунга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда Совет — Ҳиндистон дўстлиги жамияти Ўзбекистон бўлимининг активлари, жамоатчиликнинг бошқа вакиллари билан бирга Ўзбекистон пойтахтида таълим олаётган ҳинд студентлари ва аспирантлари ҳам иштирок этдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон халқлари ўртасида йил сайин мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари тўғрисида гапирдилар. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг ўтган йил декабрь ойида Ҳиндистонга қилган визити ана шу алоқаларни ривожлантиришда янги омил бўлганлигини таъкидладилар. Визит вақтида имзоланган муҳим ҳужжатлар эса мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янада кенг истиқболлар очиб беради.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Г. М. Орлов иштирок этди.

Ҳиндистон Республикаси куни шарафига Ўзбекистон шаҳарларида мустақилликнинг ўттиз йили мобайнида Ҳиндистон экономикаси, фани ва маданияти эришган тараққиёт тўғрисида ҳикоя қилувчи кўргазмалар ташкил қилинди, ҳинд кинематографиячилари яратган кинофильмлар намойиш этилди.

(ЎзТАГ).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XX СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ИНДУСТРИЯМИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

ЯНГИ ПАРВОЗЛАР ПОЙДЕВОРИ

Н. МАННОПОВ,

Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, КПСС XXVI съезди делегати, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати

Ўнинчи беш йилликда амалга оширилган ишлар янги парвозлар учун пойдевор, янги жадаллашувга асосдир. Утган йиллар мобайнида тўпланган энг яхши, илғор тажрибаларни ўн биринчи беш йиллиққа хизмат қилдириш бизнинг бурчимиздир, деб ҳисоблайди донгдор ишчи.

МАНА, янги ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки ойи ҳам ўтиб бораётир. Унга тинч яратувчилик ишлари эстафетасини узатган ўнинчи беш йиллик эса тарихга айланиб қолди. Биз, серқуёш Ўзбекистон ишчилари барча совет кишилари қатори ўнинчи беш йиллик якунлари билан ҳақли равишда фахрланмоқдамиз. «Ўтган йиллар, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумида, — партиянинг XXIV ва XXV съездларида ишлаб чиқилган иқтисодий стратегия тўғри эканлигини тасдиқлади. Мамлакатимизнинг иқтисодий ва мудофаа потенциали анча ўсди. Бутун халқ хўжалигини ривожлантириш, катта ва муҳим социал вазифаларни ҳал этиш соҳасида олға қараб янги жуда катта қадам қўйилди».

Ҳа, чиндан ҳам музаффар ўнинчи беш йиллик даврида пахтакор ўлка — Ўзбекистон экономика тараққиёти ва социал ривожланишнинг ҳамма жабҳаларида улкан ютуқларни қўлга киритди. Унинг саноат қудрати анча ўсди. Ишлаб чиқариш фондлари кенгайди ва янгиланди. Ижтимоий ишлаб чиқариш структураси яхшиланди, самарадорлиги ошди. Мен ишчилар синфи вакили сифатида, бугунги Ўзбекистон қудратли социалистик индустрия ўлкаси, 1400 тадан кўпроқ йирик корхонани ўзига бирлаштирган юздан зиёд тармоқли саноат республикаси, деб фахрланиб таъкидлайман.

Республикамиз саноати маҳсулот реализация қилиш беш йиллик планини муддатидан илгари муваффақиятли бажарди. Тайёрланган маҳсулот ҳажми 1975 йилдагига нисбатан қарийб 29 процент ошди. Асосий фондлар эса 19 миллиард сўмликка кўпайиб, меҳнат унумдорлиги 10,7 процент юксалди. Планда белгиланганидан 1,5 миллиард сўмликдан ошиқ саноат маҳсулоти реализация қилинди. Бу йиллар ичида республикамизнинг азамат бинокорлари фидокорона меҳнат қилиб 70 тадан ошиқ саноат корхонасини қуриб фойдаланишга топширишди. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Самарқанд ва Олмалиқ химия заводларида капролактам ва аммоний сульфати ишлаб чиқарадиган катта қувватлар, Сирдарё ГРЭСининг 9- ҳамда Навоий ГРЭСининг ўн биринчи энергоблоклари, Андижон ип газлама комбинати, Наманган аврли газламалар комбинати, Маргилондаги «Атлас» бирлашмаси, Гулистондаги ёғ-экстракция заводининг янги цехлари ва бўлинмалари шулар жумласидандир. Булардан ташқари ишлаб чиқаришнинг техникавий қуролланиш даражасини ошириш ҳамда тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини яхшилаш борасида ҳам катта ишлар қилинди. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина республикамиз корхоналарида 1 миллиард 100 миллион сўмликдан кўпроқ давлат Сифат белгили маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Бу, 1975 йилдагидан 3,3 баравар кўп демакдир.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, саноатнинг энергетика, машинасозлик, химия, қора ва рангли металлургия сингари етакчи тармоқлари жадал суръатлар билан тараққий этди. Чунончи, ўнинчи беш йиллик даврида Ўзбекистон химия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш 52 процентдан кўпроқ, машинасозликда 57 процент, қора металлургияда эса 72 процент кўпайди. Кенг истеъмол молларини ишлаб чиқариш ҳам юқори суръатларда олиб борилди. Жумладан, енгил саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш 1,4, озиқ-овқат саноатида 1,3, мебелсозликда 1,5 баравар, маҳаллий саноатда эса 76 процент ўсди.

ЯХШИ биласиз, республикамиз аҳоли сони ўсиши жиҳатидан Иттифоқимизда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу билан бирга аҳолининг аксарият қисми колхозлар ва совхозларнинг посёлкаларида, район марказларида, кичик ва ўртача шаҳарларда истиқомат қилади. Шу боисдан кишиларни ижобий ишлаб чиқаришга жалб этиш зарурати муносабати билан республика индустриясини бўйига қарабгина эмас, энига ҳам қараб ривожлантириш, меҳнат ресурслари тўпланган жойда корхоналар ва уларнинг филиалларини қуриш масаласига катта эътибор бермоқ даркор. Бу бизнинг шарт-шароитимизда катта социал аҳамиятга эга ишдир.

Бу соҳада шаҳримиздаги бир қатор корхоналарнинг коллективлари кичик шаҳарларда корхоналарнинг филиалларини яратиш бўйича ўнинчи беш йилликда қимматли тажриба тўпладилар. Мен «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Жиззахдаги филиалини яхши биламан. У бош корхонанинг ҳар томонлама ёрдами туфайли тез ривожланмоқда. Натижада у лойиҳадаги қувватига тез эришди. Ишга тушириш давридаги қийинчиликлар ишга таъсир қилмади. «Средазэлектроаппарат», «Средазкабель» бирлашмалари ва бошқа кўпгина корхоналарнинг филиалари тўғрисида ҳам шундай илиқ гапларни айтиш керак.

Умуман олганда ўнинчи беш йилликда республикамиздаги кичик шаҳарлар ва районларнинг марказларида йирик корхоналарнинг 290 та филиали ва цехи ташкил этилди. Қўлимдаги маълумотларга қараганда ҳозир уларда қарийб 30 минг киши банд бўлиб, ҳар йили 300 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилиши таъминланаётир.

Ҳа, ўнинчи беш йиллик республикамиз халқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим босқичга айланди. У эришган зафарларда қаҳрамон ишчилар синфи муносиб улуш қўшганидан ғоятда мамнунман. Бугунги кунда республикамизда 4 миллиондан ортиқ киши ёки барча ишлаётганларнинг 93,5 проценти социалистик мусобақанинг бирон-бир формасига жалб этилганки, у катта аҳамият касб этади. 2 миллион 572 минг киши «Коммунистик меҳнат зарбдори» номини олиш учун курашмоқда. 885 минг киши ҳозироқ бу номни олишга муяссар бўлган. Айни пайтда ўнинчи беш йилликнинг ажойиб анъаналари, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги ҳамда КПСС XXVI съезди чақирилиши муносабати билан авж олиб кетган миллионларнинг социалистик мусобақаси тўлқини янги куч билан тобора кенг авж олмоқда. Шуни айтиш кифояки, 30 корхона, 283 та цех, 1162 та бригада, 36 минг новатор ишчи КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажаради. Топшириққа қўшимча равишда 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

Хуллас, янги беш йилликда — ҳар қачонгидан кўра унумлироқ — ва самаралироқ ишлашимиз учун мустаҳкам замин яратиб берилган. Ўн биринчи беш йиллик вазифалари КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасида очиқ-ойдин ва конкрет белгилаб берилган. Бу мазмунан чуқур тарихий ҳужжатни она-Ватанимизнинг яқин ўн йилликдаги тараққиёт кўзгуси деб атагим келади.

Жонажон партиямиз планлари республика экономикаси ва социал тараққиётининг янги уфқларини очиб беради. У биз, ишчиларни меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишга руҳлантириб, социалистик мусобақа тўлқинини кучайтирмоқда. Шубҳа йўқки, республикамиз саноатчилари ўн биринчи беш йилликда ҳам аввалгидек зўр сиёсий кўтаринкилик ва меҳнат активлиги вазнитида ишлай берадилар.

У НИНЧИ... беш йиллик комил ишонч билан коммунизм йўлидан олға бораётган совет халқининг қаҳрамонона ишлари тарихида муносиб ўрин олади.

...Саксонинчи йилларда экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ниҳоясига етказилиши, меҳнат унумдорлиги ва сифатга кескин оширилиши лозим. Хўжалик иши савиясини ошириш, кадрларни ишчанлик, масъулиятни ҳис этиш ва ташаббускорлик руҳида тарбиялаш ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг асосий шарти бўлиб қолмоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига асосий йўналишлари лойиҳасида Қарши чўлларини ўзлаштириш ишлари давом эттирилиши алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бунда асрлар бўйи сувга ташна тақир чўллар бағрига обиҳаёт элтувчи Толлимаржон сув омбори катта роль ўйнайди. Айниқса, 7-насос станцияси республикамиз ирригацияси қурилишлари орасида йирик объектлардан бири. У Толлимаржон сунъий денгизига ҳар секундда 180 кубометр Амударё сувини қуяди. Айни кунларда иншоот қурилишида ҳал қилувчи босқич бошланди. Агрегатлар ва бош корпус устуналари монтаж қилинмоқда. Суратда: иншоот бунёдкорлари — Николай Привалов (чапда) бошлиқ комплекс бригада аъзолари.

Ш. Шаропов фотосуръати. (ЎЗТАГ).

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКДА:

* Халқ хўжалигига қарийб 25 миллиард сўм капитал маблағ сарфланди.
* **Асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,4 баравар кўпайди.**
* 70 дан зиёд йирик саноат корхоналари қурилди ва ишга туширилди.
* **27 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жой бинолари бунёд этилди.**
* Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 29 процент ошди.
* **Асосий фондлар 19 миллиард сўмликка ўсди.**
* Меҳнат унумдорлиги 10,7 процент юксалди.
* **Буюмлар ишлаб чиқариш саноатида 52 процентдан кўпроқ, машинасозликда 57, қора металлургияда эса 72 процент ошди.**



Республикамиз индустрияси янги беш йилликда янада ривожланади. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28—31 процент кўпаяди.

* ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ

РЕЗЕРВЛАР МАНБАИ

Қурилишни ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни индустриал асосда ривожлантирмасдан, материаллар таъминотини яхши йўлга қўймасдан туриб муваффақиятли иш олиб бориш қийин. Бинокорлик материаллари таъминотида кейинги йилларда тез-тез узилишларга, графикларнинг бузилишига йўл қўйилмоқдаки, айниқса, биз, қишлоқ қурувчилари бу қийинчиликларга кўп дуч келмоқдамиз. Баъзан, у ёки бу объектни белгиланган муддатда қуриб, ишга тушириш жараёнида бинокорлик материаллари етишмовчилиги сабабли муайян проблемалар туғилиб қолади. Бунинг оқибатида таъминотчи ҳамда буюртмачи ташкилотлар билан мулоқатимиз ва муносабатимизда зиддиятлар, мунозаралар келиб чиқади.

Районимиз областда энг йирик районлардан ҳисобланиб, ҳам аҳоли сонининг кўплиги, ҳам қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг катталиги жиҳатдан ҳам етакчи ўринда туради. Район хўжаликларида, қишлоқларида амалга ошириладиган қурилиш кўлами ҳам шунга ярашадир. Коллективимиз ўтган ўнинчи беш йиллик мобайнида районимиз колхозларида 18 миллион сўмликдан ошиқ капитал қурилиш ишларини бажарди. Бу, плондагидан 1 миллион 160 минг сўм кўп, демакдир. Энгельс номли, «Коммунизм», «Гулистон», С. Айний номли, Калинин номли, «Пахтаобод», К. Маркс номли колхозлар ва бошқа хўжаликларда 88 та типовой уй-жой, ҳар бири 624 ўринли 6 та мактаб, 2105 болани ўз қучоғига оладиган 15 та боғча-ясли, 150 ўринли шифохона, 5000 ўринли клуб, 500 кишини қабул қиладиган поликлиника бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари район территориясида минерал ўғитлар сақланадиган ҳар бири 500 тонна сиғимли 4 та омборхона, 36 минг бошга мўлжалланган товуқхона, 466 бош қорамол боқиладиган сигирхона ва бошқа қўплаб маиший ҳамда маъмурий аҳамиятга эга объектлар барпо этилди.

Колоннамизда меҳнат унумдорлиги 9 процент ортди, 16 минг 952 сўмлик қурилиш материаллари тежаб қолинди. Хўш, бу ютуқларга қандай эришдик? Биринчи навбатда, бунга ички резерв ва имкониятлардан самарали фойдаланганлигимиз туфайли эришдик. Резервлар — ютуқлар гарови эканлигини бинокорларимиз яхши тушунишади. Резерв ва имконият тушунчаси кенг маънога эга. Материалларни тежамкорлик билан фойдаланиш, нобудгарчиликка чек қўйиш, қурилиш ишларини механизациялаш, механизмларни унумли ишлатиш, меҳнат интизомини яхшилаш, қурувчилар малакасини ошириш, уларни бир неча ўхшаш касб-ҳунарни эплайдиган даражага етказиш — булар ички резервлардир. Биз, қишлоқ қурувчиларига дахлдор яна бир муҳим резерв борки, у ҳам бўлса, партиямиз Марказий Комитетининг КПСС XXVI съездига лойиҳасида ўз аксини топган маҳаллий бинокорлик материалларидан тўлиқроқ фойдаланиш имкониятидир. Ўнинчи беш йилликда қўлга киритган ғалабамиз боиси ҳам ана шу имкониятлардан баҳоли-қудрат фойдаланишга ҳаракат қилганимиздадир.

Илгарилари биз ғиштни Қизилтепа заводидан ташиб келтирардик. Сир эмас, қанча харажатлар эвазига ташиб келтирган ғиштимизнинг анчаси синиқ чиқар, бунинг устига 15—20 процент камомади ҳам бўларди. Заводдагилар «Истасангиз шу, бўлмаса ихтиёрингиз!» — қабилида жавоб қилишарди. Барибир, заводдан ғишт олишга мажбур бўлардик. Энди-чи? Энди ўзимизнинг йилига 8 миллион ғишт тайёрлаб берадиган цехимизга эга бўлдик. Лекин, бу эҳтиёжимизга нисбатан камлик қилади. Шунинг учун район партия комитетининг катта ёрдами туфайли ғишт тайёрлаш цехининг қувватини 16 миллион дона пишиқ ғишт тайёрлаш даражасига етказиш учун қўшимча тағин 2 та печь ўрнатишга киришдик. Шунингдек, райондаги 10 та колхозда ҳам йилига ўртача 500—800 минг дона ғишт тайёрлаб берадиган хумдонлар қуришга қарор қилинди.

Кейинги икки йилда колоннамизда бошқа ижобий ўзгаришлар ҳам бўлди. Темир-бетон буюмлари, уйларнинг тайёр монолит деворлари қуйилиб, тайёрланадиган махсус полигон барпо этдик. Эшик-дераза ромлари, биноларни безатишда қўлланиладиган безакли панжаралар, плиталар ишлаб чиқариш цехлари ташкил этдик. Булар, албатта, қурилиш суръатларини тезлаштириш, сифатини яхшилаш, бинолар таннархини арзонлаштириш имконини бермоқда.

Ўн биринчи беш йилликда меҳнатсевар коллективимиз қарийб 19 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга бел боғлаган. Бу, кўплаб кўркам бинолар қурилажагидан далолат. Ўнлаб хуторлар тугатилиб, замонавий посёлкалар бунёд топади. Ўн бир минг квадрат метр уй-жой бинолари, 15 та боғча, 7 мактаб, 3 та маиший хизмат комбинати, миллий ширинликлар тайёрлаш цехи ва бошқа объектлар қад ростлайди. Маҳаллий бинокорлик материаллари тайёрлаш цехи ва полигонлари қувватини икки баравар ошириамиз. Умуман, ишга тушириладиган объектлар қурилишининг белгиланган муддатидан орқага чўзилишига йўл қўймаймиз. Шуларни ипобатга олиб, Асосий йўналишлар лойиҳасидаги «Капитал қурилиш» бобида **«маҳаллий бинокорлик материалларидан фойдаланиш кенг жорий этилсин»**, деб конкрет вазифа қўйилишини ва бу борада **тегишли ташкилотларнинг яқиндан ёрдам бериши кераклиги уқтирилган жумлалар** қўшиб ёзилишини таклиф қилардик.

Носир МИРАЛИЕВ,
Ғиждувондаги колхозлараро кўчма механизациялашган колонна бошлиғи,
Раҳматулла НАЗРУЛЛАЕВ,
партия ташкилоти секретари.

* ШАҲАР — ҚИШЛОҚҚА

Деҳқон қанотлари

Мен хизмат қилаётган машҳур корхона пахтакор хўжаликлар учун «зангори кема»лар ишлаб чиқарувчи мамлакатдаги ягона завод ҳисобланади. Бу биз, машинасозлар учун бир томондан ниҳоятда шарафли бўлса, иккинчи томондан зиммамизга ҳар қачонгидан кўра янада яхшироқ ишлаш масъулиятини юклайди. Ўнинчи беш йилликда корхонамиз коллективи бешоён Ватанимиз пахтакорларига 43 мингдан кўпроқ терим машинаси етказиб берди. Бу, олдинги беш йилликка нисбатан 8 мингта кўп, демакдир. Беш йилликнинг охирги йилида биз планга қўшимча 150 та терим машинаси ишлаб чиқариб, колхоз ва совхозларга жўнатдик. Мазкур агрегатларнинг 104 таси терим бошланиши арафасида далаларга етиб борганй ниҳоятда қувонарлидир.

Ҳозир заводимизда меҳнат симфонияси айни авжига чиққан пайт. Барча цех ва участкаларда, смена ва бригадаларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси қизғин муҳокама қилинаётир. Биз бу тарихий ҳужжатни тўла-тўкис қўллаб-қувватлаб, маъқуллар эканмиз, олдимизда ниҳоятда улуғвор вазифалар турганлигини яхши англаймиз. Чунончи, ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини олайлик. Бу йил коллективимиз олтин қўлли «оқ олтин» миришкорларига 9 минг 500 та пахта териш машинаси етказиб бериш мажбуриятини олган. Бу ўтган йили ишлаб чиқарилганига нисбатан 500 та кўпдир. Муқобил план бўйича эса қўшимча 50 та «зангори кема» тайёрлашга сўз берганмиз.

Зиммамиздаги вазифалар мураккаб, аммо бажарса бўладиган реал топшириқлардир. Албатта, уларни бажариш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳамма соҳада бир маромда аниқ ишлашни йўлга қўйишимиз керак. Шу билан бирга бизга боғлиқ бўлмаган баъзи сабаблар ҳам борки, уларни ҳал этишда бошқа тармоқ ходимлари фаол иштирок этишлари керак, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, эндиликда янги машиналарни лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ конструкторлик ишларини амалга оширишни заводнинг ўзига топшириб, бу ерда махсус конструкторлик бюроси тузиш вақти келди.

Шубҳа йўқки, сўзи билан иши бир коллективимиз КПССнинг бўлажак XXVI съездини муносиб кутиб олади, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида муваффақиятли ишлаш учун барча резерв ва имкониятларни ишга солади.

К. ПЕТЯКШЕВ,
Октябрь Революцияси орденли, Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводининг силлиқловчиси, коммунистик меҳнат зарбдори.

* «МИНГЛАР ШАРТНОМАСИ»АМАЛДА

Мусобақа давом этади

Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли Наманган шойи газламалар комбинатининг таниқли тўқувчиси Матлуба Мавлонова билан СССР 50 йиллиги номли Шахти (Ростов-Дон области) ип газлама комбинатининг донгдор тўқувчиси Валентина Лутай ўртасидаги меҳнат мусобақаси ўтган беш йилликда туғилди.

МУСОБАҚА баҳона рус ва ўзбек қизлари ўртасида ёзишмалар, дийдор кўришувлар, тажриба алмашувлар бошланди. Меҳнат ютуқларини ўртоқлашиш анъанага айланди. Валентина Лутай 20 йиллик меҳнат тажрибасига эга. Коммунистик меҳнат зарбдори. Жамоат ишларида ўрнак. Фабрика касаба союз ташкилотининг актив аъзоси, мураббийлар кенгашининг раис ўринбосари.

— Валя тўқув дастгоҳларини бошқариш устаси, — фахр билан ҳикоя қилади Матлуба, — Айниқса «АТ-120-6М» дастгоҳи тузилишини у жуда яхши биладиган. Бунда унга техникумнинг кечки бўлимида олган назарий билимлари қўл келяпти. Ишда браккга йўл қўймайди. Ўтган беш йиллик маррасига уч йилда етди. Ҳозир 1984 йил май ойи ҳисобига меҳнат қиляпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида 292 минг метр газлама тўқиш шарафига муяссар бўлди. Бунинг 112 минг метри йиллик планга қўшимча. Ҳаммаси биринчи сортга ўтди.

Матлубанинг мусобақадоши ҳақида тўлиб-тошиб гапирганича бор. Валя ўтган йили олти нафар йигит-қизга ҳунар ўргатиб, мустақил ишга йўллади. Кейинги ўн йилда у 80 нафар ёшга устозлик қилди. Лутай «тажриба мактаби»ни яратди.

Ана шу иш тажрибаларини у Наманганга келиб мусобақадошига сўзлаб берди. Матлуба ҳамкасбидан тезкорлик услуби сирларини ўрганди, опа-сингил тутинди. Меҳнат мусобақасига қўшилди.

Натижа чакки бўлмади. Матлуба Мавлонова хом ашё ва материалларни тежаб ишлатиш билан бирга, узуқларни улашга кетадиган вақтни 3, арқоқ ўралган бобинани ўрнатиш вақтини беш, ҳатто бошқа айрим жараёнларни еттиссаккиз секундга қадар қисқартиришга эришиб, смена давомида 40—45 минут тежаб қолмоқда. 1980 йилда у тўқиб топширган 160 минг метр газламанинг 31 минг метри планга қўшимча тайёрланди. Меҳнат унумдорлиги уч процент ошди, таннарх 11 тийинга арзонлашди.

Беш йилликлар изидан зарбдор меҳнат баҳслари ҳам давом этмоқда. Икки ўртада мусобақа, қардошлик мусобақаси ютмоқда. «Минглар шартномаси» мусобақаси қатнашчилари сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.

* СИФАТ — ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Корхона шарафи дея...

АЛЬПИНИСТ навбатдаги чўққини эгаллар экан, орқага, босиб ўтган йўлига бир назар ташлаб олади. Янги, ўн биринчи беш йиллик бошланган экан, унга замин тайёрлаган, ўнинчи беш йиллиги асло унутмаймиз. У мен ишлаётган фабрика коллективи ҳаётида ҳам ўнмас из қолдирди. Чунки, бу йиллар мобайнида корхонамизда кўпгина ишлар амалга оширилди. Маҳсулот турлари кўпайди. Биз парталар тайёрлашдан ташқари, дераза ромлари, ошхона гарнитурлари, китоб жавонлари ишлаб чиқарадиган бўлдик.

Бу нарса биз, ишчилар учун янги соҳа бўлганлигидан дастлабки пайтларда иш айтарли силлиқ кетавермади. Чунки, янги маҳсулотларга мос технологиянн ўзлаштириш, энг муҳими, кадрлар тайёрлаш зарур эди. Бунинг учун эса маълум вақт талаб қилинарди. Шунга қарамай, коллективимиз 1976 йилдаёқ янги буюмларнинг дастлабки қисмини ишлаб чиқаришга муваффақ бўлди.

Дастлабки жавонлар ва ёзув столлари савдо ташкилотлари учун жўнатилган кун корхонамизда байрамга айланиб кетган эди. Орадан беш йил ўтди. Энди бундай қарасак, ўша пайтдаги шоду хурраллигимиз ўзимизга эриш туюляпти. Чунки, у пайтда маҳсулотларнинг сифати кўнгилдагидек эмас эди. Аммо, биз уни пайқамаган эдик.

Янги буюмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш жараёнида кўпгина қийинчиликларга дуч келдик. Уларни енгиб ўтиш учун бир вақтнинг ўзида ҳам ишлаб, ҳам ўқидик. Аста-секин иш бир меъёрга тўша борди. Яхши мутахассислар, ҳатто ишчи сулолалари пайдо бўла бошлади.

Ҳозирги пайтда корхонамизда маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш учун кескин чора-тадбирлар кўрилмоқда. Яқинда янги пардозлаш цехи ишга туширилди. У «БП-1» маркали дастгоҳлар билан жиҳозланган. Бундан ташқари коллективимиз меҳнатни ташкил қилишнинг янги методларини жорий этишга ҳам катта эътибор беряпти. Шу мақсадда комплекс бригада тузилди. Бригадага тажрибали мебелчи Қолбой Аширов бошчилик қиляпти. Коллективнинг ташкил этилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Аммо, натижаси яққол сезилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида маҳсулотларнинг сифатини ошириш тўғрисида алоҳида фикр юритилган. Биз ана шу ҳужжат билан чуқур танишиб чиқар эканмиз, мебелларнинг ҳозирги кун талабларига жавоб бериши учун ҳали кўп ишлашимиз зарурлигини яна бир бор ҳис этдик. Мен ўн биринчи беш йилликда ҳам зардорларча меҳнат қилишга ҳамда корхонамиз шуҳратини кўтаришимизга қатъий ишонаман.

А. КАЗБАГАНЕЕТОВА,
Нукус мебель фабрикаси ишчиси.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ —ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР

Медицина хизмати кўрсатишда қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовут камайиб бораяпти. Буни биргина Фарғона области қишлоқларида етмишга яқин шифохона, беш юздан ортиқ фельдшерлик-акушерлик пунктлари ишлаб турганидан ҳам билиш мумкин. Бироқ, иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, деганларидек, тиббий хизмат кўрсатиш ҳамма жойда ҳам намунали деб бўлмайди. Қишлоқларда асосий муолижа хизмати фельдшерлик-акушерлик пунктларида кўрсатилиши маълум. Бироқ уларга раҳбарлик қилиш ишлари яхши йўлга қўйилмаган. Айрим пунктлар дори-дармонлар, инвентарлар билан таъминланмаган. Боғчаяслиларда ҳам ана шундай камчиликларга кўз ташланади. Асосий йўналишлар лойиҳасида «Соғлиқни сақлаш системасини ривожлантириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилинсин» деб таъкидланган. Шу жумладан кейин **«Қишлоқлардаги барча медицина пунктлари қишлоқ Советлари қарамоғидан соғлиқни сақлаш органлари ихтиёрига ўтказилсин, боғча-ясли, мактабларда хизмат қилаётган барча медицина ходимларини медицина соҳасига бирлаштириш таъминлансин»** деган сатрлар киритилишини таклиф қилардим.

Т. РАҲМОНОВ,
Фарғона область, Фрунзе район санитария-эпидемиология станциясининг бош врачи, медицина фанлари кандидати.

* * *

Муҳокама этилаётган Асосий йўналишлар лойиҳасининг «Социал ривожланиш ва халқ фаровонлигини ошириш» бобида шундай сатрлар бор: «Маданий-маърифий муассасаларнинг фаолияти такомиллаштирилсин». Шунга қўшимча қилиб: **«Қишлоқ жойларида, шаҳар ва посёлкаларда иш олиб бораётган маданий-оқартув ходимларининг малакасини ошириб бориш тўғрисида муттасил ғамхўрлик қилинсин»** деган жумла киритилишини истардик.

М. МУРОДОВ,
филология фанлари доктори.

К. НОРМАТОВ,
тарих фанлари кандидати.



ЧОРВАЧИЛИК — ЗАРБДОР ФРОНТ

ҚИШЛОВ СОЗ ЎТМОҚДА

Пахтакор районидаги Акмал Икромов номли совхоз чорвадорлари бу йил давлатга 900 тонна сут, 80 тонна гўшт етказиб беришади.

Совхоз чорвадорлари қишловни ҳар томонлама намунали ўтказмоқдалар. Қора моллар иссиқ хоналарда парвариш қилиниб, аниқ рацион асосида боқиляпти. Жамғариб қўйилган 2 минг тонна сенаж, 8 минг тонна силос, 1,5 минг тонна пичан, 300 тонна беда уни, 400 тонна ем молларни қишли-қировли кунлардан соғлом ва семиз олиб чиқиш имкониятини бермоқда. Бу ишларни амалга оширишда Шерали Тешабоев, Абдураим Улжонов, Виктор Тепляков сингари тажрибали молбоқарлар, Нина Иванчева, Мадина Ғаринова каби бузоқбоқарларнинг хизматлари катта бўляпти. Район Советининг депутати, учинчи даражали Меҳнат шуҳрати ордени эгалари Иноят Болтаева, Тоҳир Холова, Умри Маҳаббатова ўз боқимларидаги сигирларнинг ҳар биридан 3600 — 3650 килограммдан серқаймоқ сут согиб олиш учун курашмоқдалар.

Ф. ЛУТФУЛЛАЕВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбирлар постининг аъзоси.

Суратда: И. Болтаева (чапдан) ва Т. Холова.

Автор фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, механизацияни қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига актив жорий қилганлиги учун Тошкент область Коммунистик район «Райсельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Исҳоқ Илёсович **Каримовга Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми қишлоқ хўжалик органларида кўп йил самарали ишлаганлиги, ойлик ҳақидириш, ер тузилиши ишларини уюштириш, ердан фойдаланишнинг самарали системаларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш, колхоз ва совхозларнинг территорияларини ташкил этиш соҳасидаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан «Узгипрозем» комплекс лойиҳалаш институти Фарғона филиалининг директори ўртоқ Турсунбой Каримович **Каримовга Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими** фахрий унвони берди.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил бенуқсон ишлаганлиги, кадрларни тарбиялаш ишига астойдил қараганлиги ва ўнинчи беш йиллиқдаги меҳнат муваффақиятлари учун Тошкент шаҳар ижроия комитети умумий овқатланиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Туроб Далиевич **Соатовга Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган савдо ходими** фахрий унвони берди.

Сергей Николаевич РИЖОВ

Таниқли олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, КПСС аъзоси Сергей Николаевич Рижов 24 январь куни 78 ёшида вафот этди.

С. Н. Рижов 1903 йилда Тула губерниясининг Алексеевский уездининг Малиновка қишлоғида, ишчи оиласида туғилди. Богородицкий қишлоқ хўжалик билим юртини 1923 йилда тамомлаб чиқди ва агроном-мироб унвонини олгач, ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси, участка агрономи ва 1926 йилда Городищченский совхозининг директори бўлиб ишлади. 1927—1931 йилларда Тимирязев Қишлоқ хўжалик академиясида ўқиди, академияни тамомлагач, тупроқшунос-агроном малакасини олади ва Бутуниттифоқ агрохимия ва тупроқшунослик илмий-тадқиқот институтига ишга юборилади.

1934 йилда С. Н. Рижов Ўзбекистонга ишлаш учун келади ва унинг илмий-педагогик ва жамоатчилик фаолияти умрининг охиригача давом этади. У 1934 йилдан то 1949 йилгача Бутуниттифоқ пахтачилик институти ўқитлар ва агротупроқшунослик марказий станциясининг тупроқ физикаси лабораториясида мудирлик қилади, 1949 йилдан эътиборан эса Ўрта Осиё давлат университети агрономия кафедрасига бошчилик қилади, 1950 йилга келиб, илмий ишлар бўйича проректор қилиб тайинланади. У шундан буён ўзининг педагогик ишини илмий-тадқиқот фаолияти билан самарали равишда қўшиб олиб борди. С. Н. Рижов 1954 йилдан 1957 йилгача СоюзНИХИ директори, 1957—1961 йилларда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг биринчи вице-президенти бўлди. С. Н. Рижов 1956 йилда ВАСХНИЛнинг мухбир-аъзоси, 1966 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси ва вице-президентлигига сайланди.

С. Н. Рижовнинг катта илмий-тадқиқотчилик ва ташкилотчилик фаолияти Ўрта Осиёда қишлоқ хўжалиги ва биология фанини ҳамда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, хусусан, пахтачиликни ривожлантириш билан чамбарчас боғланди. Унинг пахтачилик зонасидаги ва ғўзани суғоришда тупроқнинг физик хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги ишлари ғоят катта назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Унинг тадқиқотлари қатқалоққа қарши курашиш, ҳайдов қатламининг маданий қувватини кўпайтириш учун назарий ечимларга асос қилиб олинди, ғўза экилган тупроққа экишдан илгари ишлов бериш ва суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш масалаларида ҳам бу тадқиқотларнинг натижалари асос қилиб олинди. У ғўзани суғориш режими ва Ўрта Осиёнинг суғориладиган ерларини агрономия тупроқшунослик жиҳатдан районлаштиришнинг илмий жиҳатдан далилланган режимига асос солди. С. Н. Рижовнинг олиб борган тадқиқотлари натижалари амалиётда кенг қўлланилмоқда ва мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир.

С. Н. Рижов ўзининг илмий фаолияти давомида 160 дан кўпроқ асар ёзиб уларни чоп эттирди. У ўзининг чуқур ва кенг билимларини ёшлар ва ҳамкасблари билан саҳийларча баҳам кўрди. Унинг раҳбарлигида истеъдодли олимлар — фан кандидатлари ва докторлари тайёрланди.

С. Н. Рижов кўп қиррали илмий фаолият билан бир қаторда улкан жамоат ишларини ҳам олиб борди. У бир неча бор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг депутати қилиб сайланди.

С. Н. Рижов Ватан олдидаги катта хизматлари учун Ленин ордени, Октябрь революцияси ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат белгиси» ордени ва медаллар билан мукофотланди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди.

Партия ва халқнинг содиқ фарзанди, принципиал коммунист, истеъдодли олим, меҳрибон мураббий ва ғамхўр инсон Сергей Николаевич Рижовнинг ёрқин хотираси уни билган, у билан бирга ишлаган барча кишилар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, И. Р. Қурбонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Қ. Камолов, Н. М. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, М. Т. Турсунов, А. Қ. Қўчқоров, О. С. Содиқов, С. Ҳ. Сирожиддинов, П. Қ. Ҳабибуллаев, Э. Юсупов, М. Охунова, Ҳ. Н. Боймуҳамедов, И. И. Искандаров, С. Камолов, К. И. Лапкин, М. Н. Набиев, М. К. Нурмуҳамедов, Т. Рашидов, Ж. Ҳамидов, В. П. Шчеглов, С. П. Пўлатов, Т. А. Саримсоқов, И. А. Райкова, С. Х. Иўлдошев, А. Имомалиев.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ЯНГИЕР БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ ВА КОНСТРУКЦИЯЛАРИ КОМБИНАТИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1981 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

В. И. Ленин номли бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг коллективи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, барча техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўнинчи беш йиллик тошширигини муддатидан илгари бажарди. Беш йил мобайнида 782 минг кубометр темир бетон буюмлар, 53860 кубометр ёғоч-тахта ишлаб чиқарилди, 4780 минг тонна юк ташилди, 3850 минг сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилди, 5330 минг сўм фойда олинди.

Комбинат коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленумининг қарорларидан илҳомланиб, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида ўртага қўйган вазифаларига амалий иш билан жавоб қайтариб, 1981 йил учун ўз зиммасига қўйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини янада ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида буюмларнинг кўпчилик турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш йиллик плани муддатидан барвақт, 25 декабрда бажарилади.

КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириб, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш юзасидан икки ойлик план 23 февралгача бажарилади.

Йиллик пландан ташқари 1000 кубометр темир-бетон буюмлар ишлаб чиқарилади ва 150 минг сўмлик ялпи маҳсулот тайёрланади.

Меҳнат унумдорлигини ўстириш тошшириги 2,5 процент ошириб адо этилади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг бутун ўсишига ана шу муҳим кўрсаткич ҳисобига эришилади.

Технологияни яхшилаш, буюмлар сифатини ошириш, тежамкорлик режимини мустаҳкамлаш асосида камида 500 тонна цемент, 120 тонна металл, 200 кубометр ёғоч-тахта, 50 тонна бензин, 40 тонна дизель ёқилғи, 83 минг киловатт-соат электр энергияси ва 100 гигакалория иссиқлик энергияси тежалади. 30 минг сўм миқдорида пландан ташқари фойда олинади.

Маҳсулот сифати доимо яхшиланади, йил давомида маҳсулотнинг уч тури давлат Сифат белгисини олишга тақдим этилади. Сифат белгиси қўйилган саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш салмоғи аввалги йилдагига нисбатан 8,4 процент кўпайтирилади. Буюмларнинг тўртта янги тури ўзлаштирилади.

Ишлаб чиқариш жараёнларини техника билан қайта қуроллантириш ҳисоби давом эттирилади. Ишга туширилаётган янги қувватларни ўзлаштириш муддати икки ой қисқартирилади. Янги техника юзасидан 45 та катта тадбир ва рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга тўлиқ жорий этилиб, улардан камида 370 минг сўмлик иқтисодий самара олинади. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш йўли билан қўл меҳнати салмоғини 17,5 процент камайтиришга эришилади.

Комбинат ходимларининг фаровонлигини янада ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, йил давомида камида 1,5 минг квадрат метр уй-жой қурилади. Ердамчи хўжалик янада ривож топади. Йил охиригача ердамчи хўжаликда қорамоллар 10 бош, чўчқалар минг бош ва паранда 10 мингтага кўпайтирилади. 30 тонна гўшт, ва 200 минг дона тухум етиштирилади.

Ишчилар ва инженер-техник ходимлардан 80 кишининг малакаси оширилади, камида 70 нафар янги ишчи тайёрланади, 760 киши спесий ва иқтисодий ўқувга жалб қилинади.

Ушбу социалистик мажбуриятлар комбинат цехлари ишчи ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

«ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»ГА ҚАРАШЛИ «ПРОМСТРОЙМАТЕРИАЛИ» ТРЕСТИ ТЕМИР ЙЎЛ-АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ 1981 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Темир йўл-автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб барча асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар юзасидан ўнинчи беш йиллик планини ҳамда 1980 йил учун зиммасига олган ошириллган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарди. Беш йилликда 59 миллион тоннага яқин ҳар хил халқ хўжалик юклари ташилди. Бу эса чўлқуварларга Мирзачўл, Жиззах ва Қарши даштларида 127 минг гектар суғориладиган янги ерларни ўзлаштириш имконини берди. Юк обороти 33,7 процент кўпайди. Меҳнат унумдорлиги қариб 22 процент ошди.

Бирлашма коллективи КПСС Марказий Комитетининг 1980 йил октябрь Пленуми қарорларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқидаги қоида ва хулосаларни баланд руҳ билан қабул қилди. Транспортчилар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида баён қилинган коммунистик бунёдкорлик улуғвор режаларини якдиллик билан маъқуллаб 1981 йил учун зиммаларига қўйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар:

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, юксак уюшқоқлик ва интизом ҳисобига юк ташиш йиллик плани муддатидан илгари, 25 декабргача бажарилади. План топшириғидан ташқари 175 минг тонна юк, шу жумладан Қарши, Жиззах даштларини ва Мирзачўлни ўзлаштирувчилар учун 9 минг дона ирригация ариқ-новг, 120 минг тонна норуда материал ва 3500 кубометр йиғма темир-бетон конструкциялар ташиб берилади.

КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача юк ташиш ҳажми жиҳатидан икки ойлик план бажарилади, планга қўшимча равишда 50 минг тонна юк ташилади ва 800 минг тонна километр ҳажмида иш бажарилади.

Ишлаб чиқаришни бошқаришни янада такомиллаштириш таъминланади. Ҳисоблаш комплекси ўрнатилиб фойдаланишга топширилади. Транспорт воситаларина инженерлик жиҳатдан таъминлаш комплекс планини амалга ошириш ва ишларни ташкил этиш асосида машиналар паркидан фойдаланиш коэффициенти 3 процент кўпайтирилади, меҳнат унумдорлиги 1980 йилдагига нисбатан 2 процент оширилади.

Ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш давом эттирилади. КРАЗ автомобиллари ремонт зонасининг ишлаб чиқариш корпуслари, электр моторларни ремонт қилувчи цех қурилади.

Технология жараёнларини янада такомиллаштириш ҳамда қўл меҳнатини механизациялаш борасида 50 та янги катта ташкилий-техникавий тадбирлар жорий этилиб, бундан камида 153 минг сўм иқтисодий самара олинади. Юк ташиш ҳажмининг 45 проценти бригада пудрати формаси асосида бажарилади.

Машина ва механизмлардан яхшироқ фойдаланиш, материаллари эҳтиёт қилиш, ёқилғи ашаратларини тўғри созлаш ҳисобига 20 минг сўмлик ёнилғи-мойлаш материаллари, 15 минг сўмлик авторезина ва деталлар, 30 минг киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Планга қўшимча равишда 200 минг сўмлик фойда олинади.

Ердамчи хўжалик янада кенгайтириб борилади. Қовун-тарвуз, картошка экиш, боғ ва токзорлар барпо этиш учун яна 30 гектар янги ер ўзлаштирилади. 160 ўринли ўқиш уйи, 110 ўринли ошхона, бирлашма ходимлари учун 10 коттеж қурилади.

Ушбу социалистик мажбуриятлар бирлашма ишчилари ва хизматчиларининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

«САМАРКАНДМРАМОР» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1981 ЙИЛГИ

СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Самаркандмрамор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб ўнинчи беш йиллик тошширигини муддатидан илгари, 1980 йил 1 августда бажарди. Беш йил ичида ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар кўпайди, пландан ташқари 3,8 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бирлашма коллективи КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун меҳнат вахтасида туриб зиммасига қўйидаги социалистик мажбуриятларни олди:

Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан йиллик план муддатидан илгари, 25 декабргача бажарилади; пландан ташқари 186 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади; 1981 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 1980 йилга нисбатан 6,5 процент кўпайтирилади; меҳнат унумдорлиги 4,5 процент оширилади, меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажми 85 процент кўпайтирилади.

Хом ашё, ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаб-тергаш режимига қатъий риоя этган ҳолда 100 минг киловатт-соат электр энергияси, 50 тонна ёқилғи, 5 минг погонометр детонатор шнур тежалади. Иш сифатини муттасил юксалтира бориб, давлат Сифат белгисини олган маҳсулот салмоғи 4 процентгача етказилади. Табиий тош қазиш янги технологиясини жорий эта бориб, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қўл меҳнатининг салмоғи 31,8 процентга қадар камайтирилади, 500 ходим тайёрланади ҳамда малакаси оширилади.

Коллективнинг социал ривожлантириш комплекс планини амалга ошира бориб Гозғонда 50 ўринли профилакторий, «Зарбанд» ҳамда «Севасой» карьерларида чойхоналар фойдаланишга топширилади, лаборатория-ишлаб чиқариш корпуси қуриб битказилади.

Бирлашма коллективи зиммага олинган мажбуриятларни сўзсиз бажариш учун бутун куч, билим ва маҳоратини ишга солади, КПСС-нинг XXVI съездини ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб кутиб олади.

Бу социалистик мажбуриятлар цех, карьер ва бўлимлар ишчиларининг йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

Оламда нима гап

СЪЕЗД ШАРАФИГА

МХР енгил саноатининг бош корхонаси бўлган пойтахтдаги жунни қайта ишлайдиган ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи тармоқ меҳнаткашларини МХРП XVIII съездига ва халқ революциясининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақани авж олдиришга чақирди.

Бу ҳаракат ташаббускорлари юбилей йилида пландан ташқари 2,5 миллион тўғриклик маҳсулот ишлаб чиқариш ва биринчи сифат категориясидаги буюмлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Бирлашма ходимлари янги беш йилликнинг бошланишини меҳнат унумдорлигини юксак даражада ошириш билан нишонламоқдалар.

ПХР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ВАРШАВА, 25 январь. (ТАСС). ПХР ҳукуматининг матбуот масалалари билан шуғулланувчи вакили ҳукумат номидан баёнот берди. Баёнотда айтилишича, 24 январь ишланиши лозим бўлган шанба куни, расмий маълумотларга кўра, 5 миллионга яқин киши ёки давлат секторидаги барча кишиларнинг 60 процентидан кўпроғи ишлади. Ҳукумат ўз гражданлик бурчини бажарган ҳамма кишиларга миннатдорчилик изҳор этди.

Бироқ, дейилади баёнотда, ҳали ҳам кичиларнинг анчагина проценти ишга чиқмаганлиги ва баъзи ходимларнинг ўз жойларида ҳозир бўлмаганлиги халқ ўтказишга янги нобудгарчиликларга олиб келди. Бу ҳол бозорни мол билан таъминлашга, шунингдек баъзи бир моллар ишлаб чиқаришга салбий таъсир қилиб мамлакатнинг иқтисодий аҳволи янада ёмонлашувига шубҳасиз олиб боради.

Шанба кунлари ишлаш проблемасини ижтимоий ва иқтисодий манфаатларни ҳисобга олиб ҳал этиш мумкин. Бу проблеманинг муҳокама қилиниши, деб таъкидланади баёнотда, можароларсиз ва кескинликсиз амалий вазиятда ўтиши лозим. «Бирдамлик» касаба союзи раҳбарларининг иш ташлашлар ўтказиб бир томонлама қарорлар чиқартириб олиш йўлида қилаётган гамагирлиги айниқса ташвишли бир ҳолдир. Бу ҳол амалий музокаралар ўтказишга имконият қолдирмаяпти ва аҳолининг турмуш шароитларини ёмонлаштиришгатина олиб боряпти, холос.

Польша матбуот агентлиги бир қанча министрлик-лар раҳбарлари айтган гапларни мисол қилиб келтирди. Уларнинг гапларида бир қисм ишчиларнинг «Бирдамлик» касаба союзи даъватига қулоқ солиб ишга чиқмаслиги қандай зарар етказаётганлиги конкрет равишда кўрсатиб ўтилади, бу нарса аҳоли таъминотига таъсир қилибгина қолмай, шу билан бирга бирмунча вақтгача ишлаб чиқариш маромига салбий таъсир қилиши, планлаштириб қўйилган натижаларнинг камайишига олиб борищи таъкидланади. Масалан: озиқ-овқат саноатида биргина мана шу кунда 140—150 миллион злотий зарар кўрилган, машинасозликда кўрилган зарар эса, дастлабки тахминларга кўра, 1 миллиард злотийга боради.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

ЧАДДА ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛАРНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

Африка қитъасининг қоқ марказида жойлашган Чад давлати теваракида янги мустамлакачилар кейинги вақтларда бемаъни найрангларини ишлата бошладилар. Франциянинг буржуа матбуотида унга қарши душманлик кампанияси авж олдириб юборилди. Матбуот саҳифаларида ҳар куни республиканинг муваққат ҳукумати шаънига дўқ-пўписалар қилинмоқда. Бунинг устига Чадга бевосита ҳарбий тазйиқ ўтказилмоқда. Чадга қўшни бўлган Марказий Африка Республикасидаги француз ҳарбий базаларига зуғлик билан денгиз пиёда қўшинларининг ва парашютчиларининг қўшимча бўлинмалари ҳарбий аппаратлар билан бирга юборилди.

Мана шу «дўқ-пўписа дипломатияси»нинг кучайиши учун Ливия—Чад қўшма ахборотининг эълон қилиниши расмий баҳона бўлди, бу ахборотда иккала мамлакат бирликка эришишга қаратилган сиёсат ўтказиш ниятида эканликлари баён этилган эди. Икки қардош халқнинг миллий мустақиллиги ва суверенитетни мустаҳкамлаш йўлидаги курашда ўз куч-ғайратларини жиплаштириш ва бирлаштиришга бўлган мана шу мутлақо табиий интилиши Ливиянинг Чадни қўшиб олиш ниятн бор, деган туҳмат ган билан талқин этилди. Француз қўшинларининг Чад чегарасига тўпланиши ва унинг суверенитетига очиқдан-очиқ хавф солиши эса, аксинча «Чад мустақиллигини сақлаш тўғрисида ғамхўрлик» деб тасвирланмоқда.

Бунга шуни қўшимча қилмоқ керакки, 1900 йилдан 1960 йилгача Чад Франциянинг мустамлакаси бўлиб келган эди. Шу мамлакат халқи мустақилликка эришгандан кейин ҳам салкам 20 йил мобайнида француз қўшинларини чиқартириб юбориш учун кураш олиб боришга мажбур бўлди. Қуролли қўзғолончи отрядларнинг ҳаракатлари натижасида Франциянараст генерал Маллус режими 1979 йил 23 мартида агдариб ташлангандан кейингина, ниҳоят француз қўшинлари мамлакатдан чиқиб кетди. Ўша йил ноябрь ойида Г. Уэддей бошчилигидаги муваққат ҳукумат тузилди.

Миллий бирликнинг ўткинчи ҳукумати барча давлатлар, айниқса қўшни давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш мақсадини маълум қилди. У эндн ҳеч қачон Чаддан шу регион мамлакатларидаги аҳволни издан чиқариш учун фойдаланилмаслигини эълон қилиб, бошқа давлатларни Чад ички ишларига аралашишдан воз кечишга чақирди, шунингдек ўз территориясидаги ажнабий базаларни қайтадан тиклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга кескин қарши чиқди.

Чад мана шундай очиқ-ойдин; антиимпериалистик позицияга ўтиб олганлиги янги мустамлакачиларни дарғазаб қилди. Аммо мустамлакачи авантюралар замонлари асло қайтмас бўлиб ўтмишда қолиб кетди. Франция Компартияси Сиёсий бюросининг аъзоси, миллат мажлисининг депутати М. Гремек Франция Компартияси номидан берган баёнотда айни шу фикрни таъкидлади. У Африкада империализмнинг жандармерия ролини ўйнашга уринаётган француз ҳукмрон доираларини кескин қоралади.

Г. ШИШКИН.
(ТАСС).

АХБОРОТ

ҚАШҚАДАРЁ

ЯНА БИР САВДО МАРКАЗИ

Қарши шаҳрида йирик марказий универсам магазини қурилиб, фойдаланишга топширилди. Икки қаватли бу объектни «Узторгстрой» — трестининг 5-қурилиш-монтаж бинокорлари барпо этдилар.

Марказий универсам магазинида кийим-кечак, галантерея, хўжалик ҳамда маданий моллар каби ҳамма турдаги товарлар сотилади. Магазиндаги мавжуд ўн саккизта секцияда бир йўла 250 савдо ходими ишлаб харидорларга савдо хизмати кўрсатаётир.

САНЪАТ БАЙРАМИ

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига бағишланиб Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номли область музикали драма театри биносида санъат байрами бошланди. Қарийб икки ой давомида театрнинг ижодий коллективи область меҳнаткашларига қатор спектакль ва махсус программада концертлар намойиш этадилар.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ПАРТИЯНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ АМАЛДА

ТАҚРИЗ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига қилган Ҳисобот докладида кадрлар сиёсати шундай бир қудратли воситаки, партия унинг ёрдамида ижтимоий тараққиётнинг боришига ўз таъсирини ўтказади, деб таъкидлаб ўтган эди. Етук социализм шароитида, унинг янада такомиллашиб бориш босқичида кадрлар билан ишлашнинг ленинча принципларини бойитишда Коммунистик партиянинг XXII, XXIII, XXIV, XXV съездлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг 1964 йил октябрь Пленуми ва шундан кейинги Пленумлари қарорлари, Марказий Комитетнинг кадрлар сиёсатининг турли жиҳатларига бағишланган қарорлари муҳим роль ўйнайди.

КПССнинг — кадрлар сиёсатини такомиллаштириш вазифалари кадрлар билан ишлаш соҳасида партия тўплаган бой тажрибани илмий асосда ўрганиб чиқиш ва умумлаштиришни талаб қилади. Бу жиҳатдан тарих фанлари кандидати Ш. Зиёмовнинг яқинда «Ўзбекистон» нашриёти томонидан рус тилида чоп этилган «КПССнинг кадрлар сиёсати амалда» номли монографияси диққатга молиқдир. Бу китоб ривожланган социализм шароитида Ўзбекистон партия ташкилотининг КПССнинг кадрлар сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятини умумлаштиришга бағишланган.

«Коммунистик партиянинг кадрлар сиёсати, — деб ёзади автор, — кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш соҳасидаги назарий ва амалий фаолиятнинг комплекс изчил системаси бўлиб, бу фаолият жамият тараққиётининг конкрет шарт-шароитларидан келиб чиқади ҳамда социализмнинг сиёсий ва иқтисодий системасида КПСС раҳбарлик ролининг ошишини таъминлайди».

Китоб кириш қисмдан, учта катта бобдан ва хотимадан иборат. Ўзбекистон Компартиясининг раҳбар кадрларни танлаш ва жой жойига қўйиш ишларини янада такомиллаштириш соҳасидаги фаолиятига бағишланган биринчи бобда автор кадрларни сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий фазилатларига қараб танлаш ва жой-жойига қўйишдан иборат ленинча принципни ҳар томонлама очиб бериш билан бирга, КПСС ва унинг жанговар отрядларидан бири бўлган Ўзбекистон Компартиясининг бу принципларга қандай амал қилиб келаётганлигига алоҳида тўхталган.

Автор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1959 йил март ойида бўлиб ўтган XI пленумидан кейин республика партия комитетларининг ташкилотчилик ва идеология ишида, кадрлар билан ишлашни яхшилаш борасидаги фаолиятда муҳим бурилиш бўлганлигини кўрсатган. Шундан кейинги йилларда Ўзбекистон Компартияси раҳбар кадрлар билан ишлашга, уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда партия органларининг ролини оширишга, партия, совет ва хўжалик органларини ишбилармон кадрлар билан янада мустаҳкамлашга ниҳоятда катта эътибор берди.

Республика партия ташкилотлари раҳбар кадрлар составини мутахассислар ҳисобига мунтазам равишда тўлдириб борар эканлар, бунда раҳбарлик ишига ишчилар синфи билан колхозчи-деҳқонларнинг энг яхши вакилларини кўтариш йўлини қатъий амалга ошириб келдилар. Бу ҳол коммунистик қурилишда ишчилар синфининг авангардлик роли янада ошишини таъминлади.

Китобнинг диққатга сазовор томонларидан бири яна шундан иборатки, унда партия кадрлар сиёсатининг, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш соҳасидаги фаолиятининг интернационал моҳияти ҳам очиб берилган, бу эса миллатларнинг янада равнақ топиши ва бир-бирига қўшилашувига, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга имкон бермоқда.

Автор республика партия ташкилотларининг кадрлар резервини вужудга келтириш ва тарбиялаш соҳасидаги фаолиятига атрофлича тўхталган. Бу борадаги ибратли тажрибаларни умумлаштирган. Бу жиҳатдан, Самарқанд, Андижон ва Фарғона область партия ташкилотларида тўпланган бой тажрибалар оммалаштирилган.

Мазкур монографиянинг Ўзбекистон Компартиясининг раҳбар кадрларни амалий иш жараёнида тарбиялаш соҳасидаги тажрибасига бағишланган иккинчи бобида биз партия ташкилотларининг раҳбар кадрларнинг ленинча иш услубини ўзлаштириб олишларини такомиллаштириш, уларнинг ишга илмий ёндашиш маҳоратини ўрганиб олишлари соҳасидаги фаолияти билан, раҳбар кадрларни коллективчилик, топширилган иш учун юксак масъулиятни ҳис қилиш, ишчанлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлари билан танишамиз.

Партиямиз кадрлар сиёсатининг, унинг назарий ва амалий фаолиятининг энг муҳим таркибий қисми — раҳбар кадрларнинг билим ва малакасини ошириш, уларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашдир. Китобнинг охирги, учинчи бобида Ўзбекистон Компартиясининг ҳудди шу соҳадаги фаолияти илмий жиҳатдан умумлаштирилганлиги диққатга сазовор.

Китобда айрим жузъий камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Масалан, унда раҳбар кадрларни тарбиялашда, уларнинг масъулиятини оширишда контроль ва ижрони текширишнинг аҳамияти масаласи етарли даражада тўлиқ ёритилмаган, унда стилистик ва грамматик хатоларга йўл қўйилган.

Қ. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори.
М. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институтининг катта илмий ходими.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Халқлар дўстлиги орденли «Ўзбекистон» нашриёти КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартияси XX съездлари арафасида қуйидаги брошюраларни нашрдан чиқарди.

ОСМИНИН В. А. Ўзбекистон ССРда саноат, қурилиш ва транспортнинг ривожланиши.

Рисолада КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошириб бориб, самарадорлик ва сифат беш йиллиги ҳисобланган ўнинчи беш йиллик даврида Ўзбекистон ССРда саноат, қурилиш, транспорт ва алоқани ривожлантириш соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гап боради.

СОДИҚОВ О. С. Ўзбекистонда фан равнақи.

Китобчада ўнинчи беш йилликда Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасида эришган ютуқ ва муваффақиятлари тўғрисида гап боради. Республика халқ хўжалигида ва маданий ҳаётида улардан фойдаланиш натижалари кўрсатиб берилади.

ИУЛДОШЕВ С., ЦАМУТАЛИ А. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги юксалишда.

Брошюрада Ўзбекистон ССР колхоз ва совхозларининг ўнинчи беш йилликда пахтачилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантиришдаги иш тажрибалари ёритилган. Республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқаришни такомиллаштириш юзасидан қатор маслаҳатлар берилган.

ГОЙИБОВ Н. Совет Ўзбекистони маданиятининг равнақи.

Рисолада КПСС XXV ва XXVI съездлари ўртасида ўтган тарихий давр кўп миллатли совет маданиятини, жумладан Совет Ўзбекистони маданиятини янада ривожлантириш ва равнақ топтиришда муҳим босқич бўлганлиги, бадиий маданиятни ривожлантиришнинг баъзи тенденциялари ҳақида сўз юритилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган ушбу нашрлар ўзбек ва рус тилларида чоп этилган.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ПУБЛИЦИСТ ҚАЛАМИНИНГ ҚУДРАТИ

СОВЕТ ПУБЛИЦИСТИКАСИНИНГ ДАРҒАЛАРИ

(И. Г. Эренбург туғилган кунининг 90 йиллигига)

Илья Григорьевич Эренбург адиб сифатида ғоят мураккаб ва зиддиятли ижод йўлини босиб ўтди. У қарийб 60 йиллик ижоди давомида улкан ва серқирра талант соҳиби эканини намойиш этди, насрда ҳам, назмда ҳам қатор етук асарлар битди. И. Эренбург ўн мингдан ва юз мингдаб адабиёт муҳлисларига ажойиб лирик шоир ва ҳикоянавис, ажойиб поэмалар ва қиссалар автори, қатор пьесалар ва романлар муаллифи сифатида қадрли ва суюклидир.

И. Эренбургнинг мамлакатимизда социалистик индустриалаштириш ва коллективлаштириш даврининг қайноқ нафаси уфуриб турувчи «Иккинчи кун», «Нафасни ростлаб олмай туриб» романлари, Мадрид ва Барселона қаҳрамонларининг мардлиги ва матонатини улуғлаган «Испанча чиниқиш», «Инсонга нима керак?» китоблари Европа халқлари қаҳрамонларининг улкан панорамасини, тараққийпарвар кучларнинг фашизмга қарши қонли курашини, тинчлик ва демократия ғояларининг тантанасини ҳаққоний акс эттирган. «Парижнинг таслим бўлиши», «Бўрон», «Тўққизинчи долга» каби романлари, умрининг сўнгги йилларини буткул банд этган «Одамлар, йиллар, ҳаёт» деб аталмиш кўп томли мемуар эпопеяси совет адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилган асарлардир.

Шуниси диққатга сазоворки, адиблик ва санъаткорлик унинг маданият ва жамоат арбоби сифатидаги ижтимоий-сиёсий фаолиятига монелик қилмади, публицистик фаолиятини кейинги планга суриб қўймади. Аксинча, табиатан жўшқин публицист бўлган Илья Эренбург ўзининг йирик полотноларига ижобий маънодаги публицистикани йўғириб юборди. Шунинг учун ҳам унинг қатор йирик бадиий асарлари даврнинг долзарб пробеларига акс-садодай жаранглайди.

И. Эренбург публицистик касбини етук санъаткорлик даражасига кўтара олган ноёб талант эгаси эди. У ўзининг бутун публицистик ижоди билан замон тарихининг зийрак солномачиси эканини намойиш қилди.

Гитлерчилар Германиясининг 1941 йил 22 июнь тонг отарида Ватанимиз тупроғига хиёнаткорона бостириб кирганлиги ҳақидаги машъум хабарни эшитган Илья Эренбург шу куниёқ «Красная Звезда» газетаси учун ёзиб берган «Биринчи кунда» мақоласида совет халқининг куч-қудрати битмас-туганмаслигини, бу халқ фақат ўзининигина эмас, балки фашизм асоратида қолган бутун Европани қариқ вабодан халос этишга қодир эканлигини комил ишонч билан айтди.

И. Эренбург Улуғ Ватан уруши йилларида жуда жадал ишлади. Унинг фашистлар ёвузлиги ҳақидаги ғазабкор очерклари, сабот-матонатга ундовчи оташин чақириқлари, босқинчилар ва уларнинг малайларини кескин фош этувчи фельетон ва памфлетлари, мардлик ва қаҳрамонлик муъжизалари кўрсатаётган совет кишиларини улуғловчи кўтаринки мақолалари «Правда», «Известия», «Красная Звезда» газеталари саҳифаларида, шунингдек фронт ва фронт орқасидаги газеталарда босилиб турди. У Совинформбюро учун ҳам кўп ёзди, бир қатор чет эл агентликларининг илтимоси билан Америка, Англия, Франция ва Швеция газеталари учун мунтазам суратда мақолалар йўллаб турди, совет, француз, чех, поляк, Норвегия ва Югославия тингловчиларига қарата радио орқали оташин нутқлар сўзлади. 1418 кун давом этган ғоят машаққатли ва таҳликали уруш йилларида И. Эренбургнинг 3 мингга яқин мақола ёзгани ва нутқ сўзлагани — унинг нечоғлик ҳозиржавоб ва сермаҳсул публицист эканидан, пақадар жўшиб, ёниб, шиддатли суръат билан ишлаганидан далолат беради...

1942 йилнинг кузи, Сталинград учун ҳаёт-мамот жанги бораётган ғоят таҳликали кунларда Илья Эренбург ҳам жангчи, ҳам публицист сифатида қурашаётганлар сафида турди. У чин маъноси билан қаламини найзага айлантирди. У ниҳоятда жадал ишлади, жўшиб ёзди, мўътабар ва муқаддас сўзлар билан жангчиларга мурожаат этди, уларни мардликка ва жасоратга ундади. Унинг мақолаларидаги нотиқларга хос юксак пафос, дўстона меҳр, чуқур лиризм, инсон қалбининг энг нозик торларига таъсир этя билиш, шунга мойанд сўзларни топиб ишлатиш, халқ куч-қудратига бўлган комил ишонч Эренбургни жангчиларга жуда яқин қўяр, уларга бевосита мурожаат этиш имконини берарди. «Маррада» сарлавҳали мақоладан келтирилган қуйидаги парча фикримизга ёрқин далилдир:

«...Жангчи, қаршингда ким турганлигини унутма.

Қаршингда ёвуз кишилар, бегона одамлар турибди, улар хонадонингни талаш учун, волидангни дог-хасратда қолдириш учун, хотинингни номусини булғаш учун, фарзандларингни ўлдириш учун келишган. Улар она тилингни ҳақоратлаш, орзу-умидларингни топташ, муҳаббатингни оёқ ости қилиш учун келишган.

Жангчи, ортингда кимлар борлигини унутма.

Ортингда ҳимоясиз болалар, қариялар, аёллар бор. Улар умид, ишонч тўла кўзларини сенга тикканлар, сендан нажот истайдилар... Бир дақиқа журъатсизлик қилсанг, минглаб совет кишиларини қирилиб кетадилар... Ватанни шу ерда, шу маррада сақлаб қояиш мумкин».

Бу қисқа ва лўнда, содда ва самимий, ҳароратли ва ҳаяжонли жумлаларни ўқиган фронт линиясидаги ҳар бир жангчи уни шахсан ўзига қаратилгандай ҳис этар, бениҳоя таъсирланар, бу эса унинг ғайратига-ғайрат, шижоатига шижоат қўшар, ёвуз душманга қарши шердек ташланишга ундарди.

И. Эренбургнинг уруш даври публицистикасида совет халқларининг бир ёқадан бош чиқариб, бир жон-бир тан бўлиб курашаётганлиги қайта-қайта таъкидланди. Советлар мамлакатининг куч-қудрати халқларимиз ўртасидаги қон-қардошликда, метиндек мустаҳкам дўстликда, чуқур илдиз отган интернационал туйғуларда эканини уқтирди. Бу жиҳатдан унинг 1942 йил 20 октябрда «Красная Звезда» газетасида эълон қилинган ва 22 октябрь куни «Қизил Ўзбекистон» газетаси кўчириб босган «Ўзбекистон» очерки диққатга сазовор. Улуғ Ватан уруши йилларида «Қизил Ўзбекистон» газетаси И. Эренбургнинг 40 га яқин мақола ва очеркларини, лавҳа ва фельетонларини кўчириб босган. Эренбургнинг ҳар бир чиқишини ўзбек газетхонлари орзиқиб кутишган ва унинг мақолаларини севиб ўқишган. Муаллиф очеркда Ватан урушинигг турли фронтларида жон фидо қилиб курашаётган шерюрак ўзбеклар ҳақида, рус тупроғини ўз тупроғим деб билган, қадимги рус шаҳарларини ўз жонажон шаҳарларидек ҳимоя қилаётган ўзбеклар ҳақида мароқ билан ҳикоя қилади. Душманга қарши курашиб, мардлик ва фидокорлик намуналарини кўрсатаётган Ураим Ҳакимов, Қуронбой Ҳожимуротов, Асад Аҳмедов ва Тоштемировлар номини публицист катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади, барча жангчиларни улардан ибрат олишга даъват этади.

Эренбург публицистикаси ўқувчиларга манзур ва машҳур эди. Газетхонлар жанг майдонида ҳам, фронт орқасида ҳам унинг ҳар бир чиқишини сабрсизлик билан кутишарди, мақолаларини ўқиб бўлгач, уни қирқиб олиб, асраб-авайлаб сақлашарди. Бир группа жангчиларнинг ёзувчига йўллаган мактубида бундай дейилган эди: «Қисмимизга газеталар келганда биз аввало Сизнинг мақолаларингизни ўқиймиз. Сизнинг ғазаб-нафрат тўла ёлқинли сўзларингиз, лўнда, бийрон жумлаларингиз, самимийлигингиз бизни ром этади, ишонтиради, энг эзгу туйғуларимизни уйғотади, мардлик-қаҳрамонликка ундайди».

Илья Эренбургнинг сўнгги давр публицистикасида ҳам (у 1967 йилда вафот этган) уруш ва фашизмга қарши кураш, тинчликни ўрин эгаллади. У ҳақли суратда халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш учун халқаро Ленин мукофоти лауреати бўлган ва тинчлик ҳаракатининг атоқли арбоблари сафидан муносиб ўрин олганди.

Совет ҳукумати И. Г. Эренбургнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги улкан хизматларини, қўқиррали ижтимоий-сиёсий фаолиятини юксак баҳолаб, уни икки марта Ленин ордени билан, шунингдек Меҳнат Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденлари ҳамда медаллар билан тақдирлаган эди...

Илья Григорьевич Эренбург уруш ва қирғинларни қораловчи, империализм ва фашизмни лаънатловчи, тинчлик ва демократияни улуғловчи жанговар публицистикаси билан бугунги кунда ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган ватанпарварлар орасида, эрк-ҳуқуқ учун курашаётганлар сафида шаҳдам одимлаётгандай, ўзининг янгроқ овози билан уларга далда бераётгандай.

В. АБДУЛЛАЕВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ журналистика факультетининг доценти.

Тошкент чарм галантерея буюмлари ва спорт товарлари ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотлар тури хилма-хилдир. Улар орасида сумка, қўлқоп, спорт тўплари, палатка, рюкзак, ухлаш учун мўлжалланган тўшак «қоп»лар сингари маҳсулотлар, айниқса, харидоргир. Суратда: корхонанинг илғор ишчилари Муқаддам Соғдиева ва Зулфия Содиқова ўртоқлар тайёр спорт тўплари сифатини нўздан нечирмоқдалар.

А. Ванштейн фотоси. (ЎзТАГ).

Андижон шаҳридаги А. А. Жданов номли проспектда янги озиқ-овқат магазини ишга туширилди. Ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган бу магазинда озиқ-овқат маҳсулотларининг турли хилларини харид қилиш мумкин.

Ишчилар, студентлар ва микрорайонда яшовчи бошқа юзлаб кишилар магазин сотувчиларининг хизматидан миннатдор бўлишмоқда. Суратда: янги очилган магазининг кўриниши.

Р. Ашуров (ЎзТАГ) фотоси.

ҲАР ТЎҒРИДА

ЕДГОРЛИКЛАРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

Чехословакиядаги қадимги ёдгорликлар — миноралар, уйлар, саройлар ва ибодатхоналарни тиклашга 1,5 миллиард крондан ортиқ маблағ сарфланди. Прагада икки мингдан ориқ тарихий объект давлат томонидан муҳофаза қилинмоқда. Улар орасида XIV асрда қурилган машҳур Карлов кўприги, муқаддас Вита ибодатхонаси, Старое место майдонидаги Тинский ибодатхонаси, Прагаграднинг архитектура ансамбли ва бошқа кўпгина ёдгорликлар бор.

ҚАДИМГИ ТОПИЛМАЛАР

Қоҳирадан йигирма километр ғарбдаги Саккара районида археологлар топган қадимги Миср эҳромининг «ёши» тўрт ярим минг йилдан ошади. Қадимги меъморчиликнинг 20 метрли бу ёдгорлигини қум босиб, катта тепаликка айлантирганди. Олимлар уни Мисрдаги шу хилдаги энг қадимги иншоотларнинг бири деб ҳисобламоқдалар. У энг кўҳна Жосер эҳромидан атиги икки юз йилга «ёш»дир. Уни чехословакиялик бир гуруҳ археологлар топдилар.

УТМИШ САДОЛАРИ

Ҳиндистоннинг Рожастҳон штатидаги Кхандела районида олиб борилган археологик қазишмалар чоғида қизил пишиқ ғиштдан қурилган ҳиндларнинг «Шиямжи Кхату» ибодатхонаси топилди. Олимлар бундан минг йил илгари қурилган бу бинони Ҳиндистоннинг Тхар чўлидаги қаттиқ ҳанг бўрони чоғида қум босганлигини аниқладилар. Ибодатхона гумбазларида ҳинд ва форс тилларидаги лавҳалар сақланиб қолган. Улар ўша замондаги воқеалар тўғрисида маълумот беради. Шунингдек, бу ерда кўпдан-кўп кулолчилик буюмлари, кумуш ва мис ашёлар, ўйма тош муҳрлар, олтин ва кумуш тангалар ҳам топилган.

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЧЕМПИОНЛАР

Тошкентдаги «Ёшлик» спорт ареноси яна мухлислар билан гавжумлашди. Бу сафар кўнгилли спорт жамиятлари командаларининг 200 дан зиёд енгил атлетикачиси Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги учун ўзаро курашди. «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти аъзолари мусобақага пухта ҳозирлик билан келишган экан. Улар умумкоманда ҳисобида ғолиблик супасининг юқори погонасига кўтарилиб, чемпион номига сазовор бўлишди. «Меҳнат» ва «Спартак» коллективлари иккинчи ҳамда учинчи фахрли ўринларни эгалладилар. Шахсий ҳисобда П. Воробьёв 60 метрга югуриб, 6,5 секунд вақт сарфлади. В. Климов 110 метрга тўсиқлар оша югуришни (14 секунд) ўрнига қўйиб, 60 метрли масофани 7,7 секундда босиб ўтди. Оқангаронлик Ю. Тоне узунликка сакрашда 7 метру 52 сантиметрли натижа кўрсатди ва 100 метрли масофани эса 10,6 секундда босиб ўтди. Г. Скориков ядро иргитиш бўйича (18 метр 60 сантиметр) ғалаба қозонди. Ўзбекистон қишки шахсий-команда чемпионати йирик мусобақаларга тайёргарликнинг муҳим босқичларидан бирига айланди.

ФУТБОЛ:

МАВСУМГА ҲОЗИРЛАНИБ

«Пахтакор» командаси футболчилари мавсумга ҳозирликни январь ойи бошидан бошлашган эди. Ҳозир асосий ва дублёрлар составида 30 нафар футболчи машқларга зўр бермоқда. Команданинг асосий составини таркиб топтириш тадбирлари давом этмоқда. Чунончи, коллективга «Олға» командасидан О. Караваев, «Амударё»дан Ж. Бўронов, «Карпат»дан В. Гулько ҳамда доғистонлик ўйинчи Нурмагамедовлар таклиф қилинди. А. Соловьев «Торпедо» командасига, М. Мачаидзе эса «Спартак» коллективига ўтишни ихтиёр этдилар. С. Никифоренко ҳам баъзи сабабларга кўра командадан кетди. Пахтакорчилар СССР кубоги учун учрашувларни Душанба зонасида маҳаллий «Помир», СКА (Р), «Трактор» (Павлодар), «Бўстон» ва самарқандлик динамочилар билан ўтказадилар.

Реклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Орлёнок. 10.55 — Г. Марков повести асосида бадиий фильм. 1-серия. 12.05 — Венгерча рақслар. 12.20 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.05 — С. Орлов поэзияси. 16.35 — Спортчилар классн. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — Чанги спорти бўйича жаҳон кубоги. 19.00 — Фан оламида. 19.45 — Дунё воқеалари. 20.00 — Музикали программа. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли экран. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.35 — Баскетбол бўйича кубок эгаларининг кубоги учун.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Фильм-балет. 12.05 — Ёшлик. 12.30 — Физика. 13.30 — Оқ дарё устида момақалдироқ. Бадиий фильм. 18.20 — Сўз кетидан сўз келар. 18.40 — Камалак. 19.10 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод саҳифалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик зарбдор фронт. 22.25 — Ўзбекистон. Беш йиллик йилномаси.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. 20.55 — Назарий механика. 21.55 — Фан — ишлаб чиқаришга. 22.25 — Улар 19 ёш да эдилар. Бадиий фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Халқ қўшиқлари. 9.35 — Радиопостановкаларден қўшиқлар. 12.10 — Гулла, яшна, қўриқ ўлка. 13.00 — КПСС XXVI съезди делегатлари ҳақида ҳикоя қиламиз. 14.00 — Янги район пахтачилиги. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — М. Бафоев. Фрескалар. Хор ижроси учун поэма. 23.18 — Дам олиш соатида.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президиуми, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биология фанлари бўлими илмий муассасалари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, ВАСХНИЛнинг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор, 1946 йилдан КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати

Сергей Николаевич РИЖОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективи, Ўзбекистон Журналистлар союзининг правлениеси Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Р. А. Сафаровга онаси

Армида Хачатуровна САФАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалининг коллективи музей директори, фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ. П. Воҳидова онаси

Позилжон ВОҲИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари институт илмий коммунизм кафедрасининг доценти Я. П. Солиевага отаси

Позилжон ВОҲИДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР
Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-14, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-33, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-37-20, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01756. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 22. 10